

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ТЕМУРИЙ ҲУҚМДОРЛАР ДАВРИДА

Ҳасанбоев Тўракул Фозилжон ўғли- Жиззах давлат педагогика

университети Тарих факултети ўқитувчиси.,

Юлдашбоева Машихура Улугбек қизи - Жиззах давлат

педагогика университети Тарих факултети талабаси

Аннотация. Уибӯ мақолада Темурий ҳукмдорлар фаолияти, ўзаро ички курашларида Мовароуннаҳрнинг кўплаб ўлкалари қатори Жиззах воҳасининг ҳам тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз боради. Амир Темур вафоти ва Темурий шаҳзодалар ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар, темурийзода Улугбек, ундан кейинги даврларда Мирзо Бобур фаолияти даврида уибӯ маданий ўлканинг аҳамиятли жиҳатлари мавжуд манба ҳамда адабиётлар таҳлили асосида ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Амир Темур ва темурийлар даври, Зафарнома асари, Улугбек даври, Илонўтти дараси, Самарқанд қамали, Сарипул қишлоғи, Халилия кенти, Дизак, Бобурнома, Тоҳир Дўлдоӣ.

Марказий Осиёнинг икки дарёси оралиғидаги минтақада қадим ва ўрта асрларда содир бўлган тарихий-маданий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий юксалишлар, турли даврларда халқ фаровонлиги ва тараққиётини кўзлаб ўтказилган кўплаб ислоҳотлар, шунингдек, юксалиш ва инқироз ҳолатлари, чет эл босқинчиларига қарши озодлик курашлари юртимизнинг серқирра ва ранг - баранг тарихидан далолат беради. Бундай тарихий жараёнлар Уструшона мамлакатининг ғарбий, шимоли-ғарбий сарҳадларида жойлашган Жиззах воҳаси учун ҳам истисно бўлмаган.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даври ўзбек давлатчилигидаги ўрта аср тарихининг ривожланган юқори нуқтаси ҳисобланади. Бу даврда марказлашган давлат барпо этилди, дехқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди, фан, адабиёт ва санъат гуллаб

яшнади. Шунинг учун XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда яратилган тарихий асарларнинг талай қисми Амир Темур ва Темурийлар давлати тарихига бағишиланганлиги тасодифий ҳол эмас. Бундай асарлар қаторига Фиёсуддин Али, Низомуддин Шомий, Тожуддин ас-Салмоний, Муиниддин Натанзий, Ҳофизи Абру, Шарафуддин Али Йаздий, Фасиҳ Ҳавофий, Абдураззоқ Самарқандий, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Мирхонд, Хондамир ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин¹.

Ушбу нодир манбаларнинг айримларидағина Жizzах воҳасидаги шаҳар-кентлар, қалъа-работлар билан боғлиқ тарихий воқеалар баёни қайд этилган. Манбаларда берилган қисқа лекин, аниқ ва қизиқарли маълумотлар, уларининг таҳлили асосида Жizzах воҳасининг бу давр давлатчилиги тарихида қай даражада аҳамият касб этганлигини билишимиз мумкин.

Амир Темур давлат тепасига келгунча Жizzах учун аввало мӯғулжеталар билан, сўнgra ички ғаним Амир Ҳусайн билан қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтган ва уларда ғалабани қўлга киритган. Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларидағи маълумотлардан кўришимиз мумкинки, Амир Темур фаолияти давомида Жizzах воҳаси ва унинг атрофидаги ҳудудлар ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд сифатида қаралган ҳамда бу даврда Соҳибқиронга тегишли асосий қўшинлардан бири Жizzахда мунтазам турган.

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг Шоҳруҳ Мирзо темурийзодалар ва амирлар ўртасида бир неча йил давом этган курашга хотима бериб, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлади. Маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳр таҳтига Шоҳруҳ томонидан унинг катта ўғли Улуғбек ўtkaziladi. Отасининг ёрдами билан Улуғбек давлатининг ғарбий ва жанубий чегараларининг хавфсизлиги барқарорлашган бўлсада, аммо унинг шимоли ғарбий ва шимоли шарқий томонлари ҳали хавотирли еди. Шу сабабли, Улуғбек Даشتни Қипчокда

¹Arslonzoda R. A. Manboshunoslik. Farg’она. “Classic”. 2022.126 b.

бошланган ўзаро низога ҳамда Мўғулистонда авж олган ички курашларга жиддий эътибор беришга ва аралашишга мажбур бўлади.

Бундан келиб чиқиб, темурийзода Улуғбек ўз хукмдорлиги (1409-1449) даврида Самарқандга ўтиш йўли Илонўтти дарасини қўриқлаш учун мудофаа занжири ҳосил қилган Жizzах воҳасидаги Қалиятепа, Ўрда, Равот, Молтоп қалъа-қўрғонлари қайта таъмирлатган, ҳарбий кудратини оширган².

Отасининг ризоси билан 1425 йилнинг эрта баҳорида Улуғбек жеталар юрти Мўғулистонга ҳарбий юриш қиласи ва мўғул хони Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Бу Улуғбекнинг ҳарбий фаолиятидаги кам сонли бўлсада, энг ёрқин ғалабаларидан бири эди³.

Шунинг учун ҳам ушбу ғалаба ҳақидаги маълумот Сойбўйи қалъаси билан Жizzах оралиғидаги Илонўтди дарасига қўйидаги “Улуғ тангрининг қўллаб қувватлаши бирлан улуғ султон, жамий подшоҳлар хукмдори, тангрининг ердаги сояси, ислом динининг туғдори, дин ҳомийси Муъниддин Улуғбек Кўрагон, тангри онинг салтанатини пойдор қилсун, Жете ва Мўғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтгон. Ҳижрий 828-йил” сўзлар билан “Темир дарвоза”нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиятга муҳрланган⁴.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 1867 йилда Россия Археология Комиссияси топшириғи билан таниқли шарқшунос ва археолог П. И. Лерх Петербургдан Жizzахга ташриф буюради ва Илонўтти дарасидаги қояга битилган Мирзо Улуғбекка тегишли тош битик – Зафарномадан нусха олади, матнларни ўқиёди, рус тилига таржима қилиб, даврий санасини аниқлайди.

Кейинги давр воқеларига тўхталадиган бўлсак, расмий тарихдан маълумки, темурийзода Бобур ўн икки ёшида ҳокимият таҳтига ўтиради ва унинг азалий орзуси пойтахти Самарқанд бўлган, бобоси Амир Темур

²Пардаев А.Х. Жizzах беклиги - Ўрта Осиё ҳонликлари даврида (XVI асрдан-XIX асрнинг 60-йилларигача). диссертация қўлёзмаси. Т.2004. 22 б.

³Hasanboyev T. Jizzax vohasi Sohibqiron Amir Temur va temuriylar davrida (yozma manbalar asosida). “O’tmishta nazar” jurnali.T.2020. 170-175 б

⁴Аминжанова М., Желтова Г.И. “Ўзбекистон тарихидан лавжалар”. Т: «Ўқитувчи». 1974. 86 б., Ахмедов Б . “Улуғбек” . Т: “Ёш гвардия”,1989. 82-83 б.

тузган марказлашган давлатни қайтадан тиклаш саъй – ҳаракатига киришади. Бунинг учун у муттасил равишда курашади, лекин Темурий шаҳзодалар ўртасидаги тахт талашлар, маҳаллий бек ва амирларнинг исёнлари, Шайбонийхон босқини каби турли хил сабаблар, бу орзуни амалга ошириш имконини бермайди. Айнан шу воқеаларнинг батафсил тафсилоти Бобурнинг шоҳ асари, Мовароуннахр, Хурросон, Ҳиндистоннинг 1493-1529 йиллар тарихини ўзида акс эттирган “Бобурнома”да катта маҳорат билан ҳикоя қилинганд.

Бобур Мирзо Самарқанд тахти учун олиб борилган курашларда Суғд сарҳадлари билан туташиб кетган қадимги Уструшонанинг (жумладан, тарихий Усрушна) ғарбий музофотлари жойлашган Жиззах воҳаси, ундаги шаҳар, қалъа, кентлардан муҳим ҳарбий плацдарм сифатида фойдаланган. Бу жангу-жадаллар мобайнида бир неча бор Жиззах воҳасида бўлган Бобур унинг табиати, хўжалиги, турар – жой масканлари ҳақида ўз асари “Бобурнома”да атрофлича бўлсада қимматли маълумотларни қайд этган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Уструшона ва унинг шаҳарлари худуди темурийзода ҳукмдор Умаршайх Мирзо ибн Абу Саид давлати тасарруфида бўлган. Демак, Бобур Мирзо қаламига мансуб қимматли манбада қайд этилганидек, Уструшона Умаршайх Мирзо тасарруфида бўлган даврларда, ўлканинг шимолий-ғарбий худудидаги Жиззах воҳасида Дизак, Зомин, Йом, Пишағор, Ёр-Яйлок, Халилия кенти, Илонўтти дараси каби аҳоли маконлари ва тарихий жойлар фаолиятда бўлган⁵.

Бобур Мирзо 1499-1500 йиллардаги Самарқандга юриш тарихини битар экан Жиззах воҳаси ҳақида қўйидаги қимматли маълумотларни ҳам айтиб ўтади: “Хўжандтин отланиб Пашогарға мутаважжиҳ бўлдум. Зоминга етган фурсатта иситтим. Бовужуди иситма Зоминдин отланиб илғор қилиб, тог йўли била ўтуб, Работи Хожанинг устига келдимким, ғофилликта шоту кўюб чиқиб, Работи Хожа қўргониниким, Шовдор туманининг

⁵ Пардаев А.Ҳ. XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах // Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 32-нашр. Самарқанд. 2001. 253 б.

доруганишини улдур, олилғай. Субҳ вақти етилди. Эли хабардор бўлдилар. Яна ёниб, ҳеч ерда таваққуф қилмай, Пашоғарға келилди. Бовужуди иситма ўн уч-ўн тўрт йифоч йўлни суубат ва мاشаққат била қатъ қилдим. Неча кундан сўнг Иброҳим соруни ва Вайс Лоғарийни ва Ширим тагойини ички беклар ва йигитлар била илғор тайин қилдукким, бориб Ёр яйлоқ қўрғонларини сўз била ё зўр била иликлагайлар”⁶.

Демак, ушбу битиклардан маълум бўлмоқдаки, Бобур Мирзо Жиззах воҳасидаги аҳоли маконларидан Пашоғар(Пишағор)га келган, кейинчалик, иситма билан оғришига қарамасдан, Зомин орқали, тоғ йўли билан Работи Хожага борган ва уни эгаллаган. Кейин эса, ўзининг моҳир лашкарбошиларидан қўшин тузиб, уни Ёр яйлоқ (ҳозирги Бахмал тумани-Ҳ.Т.) қўрғонларини эгаллаш учун жўнатган. Бобурнинг ёзишича, 1498-1499 йиллар қишлоғини у ўзининг увайсий пири-устози Хўжа Ахрор Валининг мулк кентларидан бири Пишағор қўрғонида ўтказган.

Маълумки, Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннахрни истило қилишга киришади. 1500 йил темурийзода Султон Али Мирзо калтабинлик билан Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади. Бироқ, шаҳар аҳолиси ва зодагонларининг маълум қисми темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этадилар. Бобур 1500 йил кеч кузида ўз қўшини билан Зомин ва Ёр-Яйлоқ орқали, яширин тарзда Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга шаҳар дарвозаларини очиб беради ва бу ерда унинг хукмронлиги ўрнатилади⁷.

1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари Шайбонийхондан енгилади. Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамал қилиниб, у олти ой давом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очлиқдан тинкаси қурийди, Бобур 1501

⁶Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. 1989. 56, 86 б.

⁷Hasanboyev T. Zahiriddin Muhammad Bobur nazdida Jizzax vohasi // SamDU Tarix fakulteti ilmiy maqolalar to‘plamisi. Samarqand, 2017. 22-28-b., Ўзбекистон миллый энциклопедияси. 2-том. Тошкент.2005. 425 б.

йилнинг иккинчи ярмида иложсизликдан Самарқандни тарк этади ва бу хақда шундай ёзади “...Суғднинг улуғ шоҳ-жўйлариға қоронғу кечада урунуб йўл ит-уруб юз ташвиш била тонг отқонда Хожа Диidorдин ўтуб, суннат вақтида Қарбуғ пуштасиға ёрмоштук. Қорбуғ пуштасининг шимолидин Худак кентининг оёғи била Илон Ўтини туслаб тебрадук. ...Кеч намози дигар Илон Ўтида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндуруб отландук”⁸.

Бобур Жиззах шаҳрига кириб келиши ва бу ердаги шароит ҳақида шундай ёзади; “Тонгдин бурунроқ Халилия кентига келиб туштук. Халилиядин Дизак (Жиззах) келилди, ул фурсатта Дизакта Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой (хоким-Ҳ.Т) эди. Семиз этлар ва майда этмаклар арzon, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арzonлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук”⁹.

“Бобурнома”да келтирилганидек, бу пайтда Жиззахда дўлдой уруғи вакили Ҳафиз Муҳаммадбекнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳокимлик қилган. Дўлдой уруғи бек ва амирларининг аксарият қисми темурий шаҳзодаларга хизмат қилишган, уларга тарафдор бўлишган. Жиззах ҳокими Тоҳир дўлдойнинг отаси Ҳафиз Муҳаммадбек Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо даврида аввал Андижонда, кейинчалик Ўратепада унинг вассал ҳокими сифатида хизмат қилган эди. Фикримизча, шунинг учун ҳам Тоҳир дўлдой Шайбонийхон ғазабига дучор бўлишидан кўрқмай Жиззахда Бобурни юксак мартабали меҳмон сифатида кутиб олган ва унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатган¹⁰.

Шундай қилиб, Бобур Самарқандда Шайбонийхондан енгилгандан сўнг, Илон Ўтти дарасига, у орқали эса Жиззах шаҳрига кириб келади. Ўша

⁸Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. 1989. 86 б.

⁹Пардаев А.Х. Жиззах беклиги - Ўрта Осиё ҳонликлари даврида (XVI асрдан-XIX асрнинг 60-йилларигача). диссертация қўлёзмаси. Т.2004. 22 б. Ҳасанбоев Т. Жиззах воҳасининг сўнгги ўрта асрлар тарихи манбашунослигига доир // Жиззах воҳаси Марказий Осиё цивилизацияси тизимида. (Республика илмий-амалий конференция материаллари). Жиззах. 2020. 70 б.

¹⁰Пардаев М.Х., Пардаев А.Х. Джизакский оазис 224 флоу позднего средневековья (по письменным и археологическим источникам) // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Самарканд. 2000.с.121-132.

пайтлардаги Халилия номи билан юритилувчи, Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни ҳисобланмиш – Қалиятепа қўрғонига келади. Бобур ва аъёнлари Қалиятепа – Халилия кентидаги бироз дам олиб, ундан Жиззахнинг ривожланган ва сўнгти ўрта асрлардаги ўрни, ҳозирги Эски шаҳар мавзеидаги Ўрда (Тупроқкўргон) шаҳрига ташриф буюрадилар. Бобур Мирзо бу ердаги фаровон ҳаёт, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллиги ва арzonлигидан ҳайратга тушади. Чунки Шайбонийхон кўшинлари томонидан олти ойлик Самарқанд қамали даврида Бобур Мирзо ва унинг лашкари катта қийинчиликни, даҳшатли очарчиликни бошидан кечирган эди.

“Ўлум дағдағаси хотирдин рафъ бўлиб, очлиқ шиддати элдин дафъ бўлди. Умрумизда мунча фароғат қилмайдур эдук. Муддатул-умр амонлиғ ва арzonлиғ қадрини мунча билмайдур эдук. Ишрат усраттин сўнг, фароғат машаққаттин кейин лаззатликроқ ва яхшироқ кўрунур... Мундоқ душман балосидин ва очлиқ ибтилосидин халос бўлуб, амонлиғ роҳатига ва арzonлиғ фароғатига етуштук. Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук. Андин сўнг Ўратепа сари азимат қилдук”¹¹.

Ушбу сатрларда ҳам Жиззахнинг қай даражада Бобурнинг жонига оро киргани, оғир вазиятда бу шаҳардан қўним топгани, бу ердаги арzonчилик, бир неча кун истироҳат қилганлиги, Жиззахдан сўнг Ўратепа томон йўл олганлиги, бироз дам олиши учун Шайбонийхон қасосидан чўчимай, унга шарт-шароит яратган ҳоким Тоҳир дўлдой туфайли таниқли темурий шаҳзода ўз асарида Жиззах шаҳрининг нуфузини юксак даражада ошириб, уни олий мақтovлар билан таърифлайди.

Юқоридаги маълумотлардан холоса қилиш мумкинки, Темурийлар даврида яратилган бир қатор тарихий асарларда Жиззах ва унинг атрофидаги турар жойлар хақида маълумотлар атрофлича бўлсада, аниқ

¹¹Hasanboev T. Zahiriddin Muhammad Bobur nazdida Jizzax vohasi // SamDU Tarix fakulteti ilmiy maqolalar to‘plami. Samarqand, 2017. 22-28-b., Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. 1989. 86 б.

берилган. Хусусан, Низомиддин Шомий ва Шарофуддун Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларида, Бобур Мирзонинг «Бобурнома»сида Жиззах ва унинг атрофидаги мавзеларда бўлиб ўтган ҳарбий ҳаракатлар, қисман Жиззахнинг ҳокимлари ва аҳолининг турмуш-тарзига дахлдор хабарлар келтирилган. Темурийлар даврида Мовароуннахрнинг энг қадимги ва йирик маданий марказлари Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Тошкент, Хива, Қўқон, Марғилон каби бир қатор шаҳарлари орасида Жиззах шаҳри ҳам алоҳида ўрин ва юксак нуфузга эга бўлган. Зеро, Бобур ҳам “Бобурнома ”да бу ўлkadаги фаровонлик ва ўзига хосликни, асаридаги юксак таърифлар орқали кўрсатиб берган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Аҳмедов Б . “Улуғбек” . Тошкент. 1989.
- 2.Аминжанова М., Желтова Г.И. “Ўзбекистон тарихидан лавҳалар”. Тошкент. 1974.
- 3.Arslonzoda R. A. Manbashunoslik. Farg’ona. 2022.
- 4.Hasanboyev T. Zahiriddin Muhammad Bobur nazdida Jizzax vohasi // SamDU Tarix fakulteti ilmiy maqolalar to‘plami. Samarqand. 2017.
- 5.Ҳасанбоев Т. Жиззах воҳасининг сўнгти ўрта асрлар тарихи манбашунослигига доир // Жиззах воҳаси Марказий Осиё цивилизацияси тизимида. (Республика конф. мат.). Жиззах. 2020.
- 6.Hasanboyev T. Jizzax vohasi Sohibqiron Amir Temur va temuriylar davrida (yozma manbalar asosida). “O’tmishga nazar” jurnali. Toshkent. 2020.
7. Пардаев А. Ҳ. XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах // ЎММТ. 32-нашр. Самарқанд. 2001.
- 8.Пардаев А. Ҳ. Жиззах беклиги - Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан-XIX асрнинг 60-йилларигача). Дисс қўлёзмаси. Тошкент. 2004.
- 9.Пардаев М. Ҳ., Пардаев А. Ҳ. Джизакский оазис в эпоху позднего средневековья (по письменным и археологическим источникам) //Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Самаркан. 2000.

- 10.Захиридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент. 1989.
- 11.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-том. Тошкент. 2005.